

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



2022 й. 10. 2022 с.

## **Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

### **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фаргона -2022**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1. Танлов предмети: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 06 июнданги ПК-271 сонли карорига мувофик Узбекистон туман “Мингтут” КСЗ да электр курилиш монтаж ишларини бажариш хизмати.

1.2. Танлов қиймати 1454431244 (Бир миллиард турт юз эллик турт миллион турт юз уттиз бир минг икки юз кирик турт) сўм

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.

1.4 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. «ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Фаргона шаҳар Кувасой куча 74-а уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов «ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, соҳга оид тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги молиявий хамда малакавий талаблар кўйилиб таклифлар қуидаги баллар асосида 10 баллик тизим билан баҳоланади.

### **Молиявий фаолият. 10 балл**

Танловда катнашиш учун объект қийматининг 20% майдоридаги пудратчи хисоб ракамида айланма маблағга эга эканлиги тўғрисида тижорат банк томонидан тасдикланган маълумотнома ёки буюртмачи томонидан талаб килинган майдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги.) **5 балл**

Тендер иштирокчисининг молиявий аҳволи. (Пудратчи корхонанинг 2021 йил учун ва 2022 йил 6 ойлик учун баланс, молиявий натижалар ҳакидаги хисоботлар ва уларнинг нусхаларини давлат солик органларидан тасдикланган шакли илова қилиниши шарт.) **5 балл**

### **Мехнат ресурслари тўғрисида. 10 балл.**

Ишчи ходимларини тасдикланган рўйхати **5 балл**  
Мехнат ресурслари базаси [mehnat.uz](http://mehnat.uz) билан интеграция килинган ишчи ходимларининг тасдикланган маълумоти. **5 балл**

### **Корхона тўғрисида умумий маълумот. 10 балл**

Рўйхатдан ўтказилсанлиги тўғрисидаги гувохнома, корхона низоми. Якуний бенефициар тўғрисида тасдикланган маълумот. **2 балл**

Ҳавфи юкори бўлган объектларни куриш ва улардан фойдаланиш. (Ҳавфи юкори бўлган объектларни куриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия мавжудлиги) **5 балл**

Махаллий ва харкаро ISO сертификатлари

(Айнан энергетика йўналишида ISO-9001/14001/45001) **3 балл**

### **Каррупцияга қарши курашиш бўйича ариза. 10 балл**

Танлов иштирокчилари каррупцияга қарши курашиш бўйича аризани тасдикланган холатда “Фаргона ХЭТК” АЖ танлов комиссиясига электрон холатда тақдим этишлари шарт. **10 балл.**

### **Машина механизмлари тўғрисида маълумот. 10 балл**

Тендер иштирокчининг ўз балансидаги ёки ижара шартномасига асосан ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлар тўғрисида маълумот. (Тендер иштирокчининг ўз балансидаги ёки ижара шартномасига асосан ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлар тўғрисида маълумот. **5 балл**

Ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этйлади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.) **5 балл**

### **Иш тажрибаси. 10 балл**

Соҳага оид бажарилган ишларнинг тасдиқланган рўйхати. **2 балл**

Пудратчи томонидан my.gov.uz ягона интерактив давлат хизматлари портали базаси билан интеграция қилинган соҳага оид топширилган ишлар сони: 1-10 донагача – **2 балл**, 10-50 донагача - **4 балл**, 50-100 донагача – **6 балл**, 100 дан ошик бажарилган ишга – **8 балл** (Барча маълумотлар базадан текширилади).

3.3. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида тургандар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар 3.2. банд бўйича тасдиқланган хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки шунга ўхшаш 3.2. бандда талаб этилган бошқа хужжатлар рўйхати илова қилинади);.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳақконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) тавсифини ўзгартиришга йўл қўйилмайди, бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ИИБ бошлиғи:



И. Мадмаров.